

Индонезияда «Имом ал-Бухорий» масжиди очилди



09:08 / 10.04.2021 2630

Мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойи арафасида, шу йилнинг 9 апрель куни Индонезиянинг Чианжур шаҳрида чиройли мусулмонлар ибодатхонаси очилди.

Image not found or type unknown



Масжидга «Имом ал-Бухорий» номи берилган, деб хабар беради Podrobno.uz. Масжид 2020 йил март ойида мамлакатимизнинг Ислон меъморчилигини ўрганиш доирасида Ўзбекистонга ташриф буюрган Гунадарма университети архитектура факультети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг лойиҳаларига биноан қурилган.

Image not found or type unknown



Чет элда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар доирасида, Жакартадаги Ўзбекистон элчихонаси Индонезиянинг Гунадарма университетининг 200 нафар талабаси учун 2020 йил 4 мартдан 18 мартгача Ўзбекистонга саёҳат уюштирди.

Индонезиялик профессор-ўқитувчилар ва талабалар Бухоро, Самарқанд ва Тошкентнинг тарихий меъморчилигини ўрганишди. Саёҳат якунлари бўйича Индонезияда Ўзбекистонда тарихий биноларни қуриш усулларини амалга ошириш бўйича тавсияномалар тузилди.

Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, дунёда коронавирус ҳолатига қарамай, ўзбек меъморчилиги услубидаги масжид тўлиқ қурилди. Лойиҳа тўлиқ Гунадарма университети томонидан молиялаштирилди.

Янги масжидни безаш учун Ўзбекистон элчихонаси ходимлари Қуръони Каримнинг «Усмон мусхафи», Имом ал-Бухорий мажмуаларининг деворий фотосуратларини тақдим этишди.

Хуршид Маъруф тайёрлади